Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 31-mart, seshanba, № 41 (3546)

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари.

САЙЛОВНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижалари эълон қилинди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган демократик принципларига тўла мувофиқ ҳолда ўтганини таъкидлади.

Овоз беришда 18 миллион 942 минг фуқаро, яъни сайловчиларнинг 91,08 фоизи иштирок этди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 35-моддасига мувофиқ бу Президент сайлови ўтганлигидан далолат беради.

Сайловда сайлов қонунчилиги бузилиши ҳолатлари қайд этилмади.

— Сайловчилар фаоллиги аҳолининг сиёсий маданияти юқорилигидан, фуқаролар мамлакатимизнинг келажакдаги тараққиёти уларнинг қарорига боғлиқ эканини чуқур англашидан далолатдир, — деди Марказий сайлов комиссияси раиси.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига кўра, Ислом Каримовга 17 миллион 122 минг 577 фуқаро ёки сайловчилар умумий сонининг 90,39 фоизи, Акмал Саидовга 582 минг 688 киши ёки сайловчиларнинг 3,08 фоизи, Ҳотамжон Кетмоновга 552 минг 309 киши ёки сайловчиларнинг 2,92 фоизи, Наримон Умаровга 389 минг 24 киши ёки сайловчиларнинг 2,05 фоизи овоз бергани маълум қилинди.

Анжуман қатнашчиларига Марказий сайлов комиссияси айни пайтда округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган протокол ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқаётгани ҳақида ахборот берилди. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ушбу ҳужжатларни, зарурат туғилганда, айрим участка сайлов комиссияларининг материалларини Марказий сайлов комиссияси яна бир марта синчиклаб текширади ва шундан сўнг сайлов натижаси бўйича қарор қабул қилади.

Миллий сайлов қонунчилигимизга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари тўғрисидаги ахборот сайловдан кейин ўн кундан кечиктирилмай, яъни 2015 йил 8 апрелгача Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ЭРКИН ВА ОШКОРА ЎТДИ

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиб борган халқаро ташкилотлар миссияларининг якуний матбуот анжуманлари бўлиб ўтди.

Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси кузатувчилари миссиясининг матбуот анжуманини миссия раҳбари, ассоциациянинг режалаштириш бўлими директори Ли Чжон Хи бошқарди.

29 март — сайлов куни миссия вакиллари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш ҳамда уларни санаб чиқиш жараёнини кузатгани таъкидланди. Миссия аъзоларининг фикрича, сайлов юксак ташкилий даражада ўтди, сайловчилар овоз беришда фаол иштирок этди, овозларни санаб чиқиш жараёни очиқ ва ошкора амалга оширилди.

— Кузатув давомида сайлов қонунчилиги бирор марта ҳам бузилмаганининг гувоҳи бўлдик, — деди Ли Чжон Хи журналистларга берган интервюсида. — Сайлов куни эрталаб соат 10:00 да овоз бериш учун келган сайловчилар сони 30 фоиздан ошгани аҳолининг фаоллиги, мамлакат келажаги учун ўз сайлов ҳуқуқини амалга оширишдан манфаатдорлигидан далолат беради. Шунингдек, бу фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллиги юқорилигини намоён этади.

***

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги кузатувчилари миссиясининг матбуот анжуманида МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — ижрочи котиби Сергей Лебедев миссиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларига бағишланган баёнотини ўқиб эшиттирди.

С.Лебедев Ўзбекистон миллий сайлов қонунчилигига кейинги йилларда киритилган ўзгартишлар уни янада такомиллаштирганини таъкидлади. Бунда халқаро тажриба ва миллий манфаатлар уйғунлигини кўриш мумкин.

— Биз сайлов жараёнини эркин кузатишимиз учун барча шароит яратиб берилди, — деди Сергей Лебедев. — Сайлов комиссиялари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари билан учрашдик, фуқаролар, сиёсий партиялар кузатувчилари билан суҳбатлашдик. Шунингдек, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бўлиб, жойларда сайловга тайёргарлик ишлари билан танишдик, овоз бериш жараёнини кузатдик. Сайлов юксак савияда ташкил этилганига гувоҳ бўлдик. Сиёсий партиялар кузатувчилари ва халқаро экспертлар билан фикр алмашиб, сайлов очиқ ва ошкора ўтгани ҳақида якдил хулосага келдик.

ЎзА суратлари

Миссия вакилларининг таъкидлашича, сайловда сайловчиларнинг 91 фоиздан ортиғи иштирок этгани алоҳида эътиборга молик кўрсаткичдир. Бу Ўзбекистон фуқаролари ўз масъулиятини теран ҳис этиб ва мамлакат Президенти лавозимига муносиб номзод учун овоз бериб, юрт келажагига ҳиссасини қўшишга интилаётганидан далолат беради.

Сайловда ёши улуғ кишилар ва ёшлар бирдай фаол иштирок этгани МДҲ кузатувчиларида катта таассурот қолдирди. Айниқса, 2 миллионга яқин йигит-қиз илк бор овоз бергани диққатга сазовор. Сайлов участкаларига кела олмаганларнинг овоз бериши ва муддатидан олдин овоз бериш учун яратилган шароитлар юксак даражада ташкил этилди.

***

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссияси матбуот анжуманини миссия раҳбари, ШҲТ Бош котиби Дмитрий Мезенцев бошқарди. У ташкилот кузатувчилари сайлов кампаниясининг бориши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ижроси билан танишганини таъкидлади. Миссияга Президентликка номзодлар ва уларнинг сайловолди дастурлари ҳақида тўлиқ ахборот тақдим этилди.

Миссия баёнотида Президентликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг имкониятлар берилгани, сайлов кампанияси давомида сайловолди ташвиқотини олиб бориш қонунни бузиш ҳолатлари аниқланмагани қайд этилган.

Овоз бериш жараёни ва сайлов якунларини сарҳисоб қилишни холис баҳолаш мақсадида миссия участка сайлов комиссияларининг фаолияти билан ҳам танишди. 29 март куни миссия аъзолари Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри, Зангиота ва Қибрай туманларидаги тўқсондан ортиқ сайлов участкаларида бўлди. ШҲТ кузатувчилари овоз беришда фуқароларнинг фаоллиги юқори бўлганини таъкидлади.

«Кузатувчилар сайлов участкаларида бўлганида сайловчилар ва сиёсий партиялар вакилларидан миссия аъзоларига шикоят ва танқидий фикрлар билдирилмади», деб қайд этилган баёнотда.

Миссия кузатув якунлари бўйича Президент сайлови Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги, Марказий сайлов комиссиясининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Ўзбекистон ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга тўла мувофиқ ҳолда, очиқ ҳамда демократик вазиятда ўтганини таъкидлади.

***

Ислом ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссияси ҳам Президент сайловини мониторинг қилиб борди. Матбуот анжуманида миссия раҳбари, ташкилотнинг сиёсий масалалар бўйича департаменти директори Али Аболҳассаний миссия вакиллари Марказий сайлов комиссиясида учрашувлар ўтказгани, округ ва участка сайлов комиссиялари фаолияти билан танишгани, сайловчилар билан суҳбатлашгани, овоз бериш жараёнини кузатганини таъкидлади.

— Сайлов ғоят юксак ташкилий даражада ўтди, — деди А.Аболҳассаний. — Марказий сайлов комиссияси сайловга пухта тайёргарлик кўрган ва бу сайлов давомида яққол намоён бўлди. Сайлов миллий қонунчилик талаблари ва халқаро нормаларга тўла мос равишда, демократик тарзда, адолатли ўтди. Фуқароларнинг ушбу муҳим сиёсий воқеада фаол иштирок этгани бизда катта таассурот қолдирди. Биз борган ҳар бир сайлов участкаси сайловчилар билан гавжум эди. Айниқса, улар орасида сайловда илк бор иштирок этган йигит-қизларнинг кўплиги қувонарли ҳолдир. Ёшларнинг бундай сиёсий воқеага қизиқиши ва фуқаролик масъулияти ортиб бораётганини ҳис этдик.

ЎзА

Ҳаётда катта тажрибага эга бўлсам-да, Президент сайлови куни сайлов участкасига ўзгача ҳаяжон ва катта масъулият билан келдим. Чунки мустақиллигимизнинг тарихан қисқа, аммо мазмунан асрларга тенг даври онгу тафаккуримизда буюк ўзгаришлар ясади. Зеро, ким эдигу, ким бўлдик?! Ўз ҳаётимдан мисол. Йигирма беш йил олдин мен ким эдим? Чигит экишдан тортиб, ғўзапоянни йиғиштириб олгунга қадар бўлган ишларда юқорининг кўрсатмасини кутиб ўтирадиган, аслида деҳқончиликдан бехабар “мутахассис”ларнинг китобий йўл-йўриқларини бажаришга мажбур, ҳосил тақдирига масъул, лекин унинг парваришида эрки йўқ оддий бригадир эдим.

МАҚСАДЛАР РЎЁБИ ВА ВАТАН РАВНАҚИ УЧУН ОВОЗ БЕРДИМ

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида изчил давом эттириб келинаётган ислоҳотлар соҳада туб ўзгаришлар ясади. Дастлаб 14 гектар ерда фермер хўжалигини ташкил қилган эдим. Ўтган даврда давлатимиз томонидан фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор ва бу борадаги амалий қўллаб-қувватлаш туфайли йилдан-йилга ҳосилдорлик ошиб, хўжалигимиз иқтисоди кўтарилди, еримиз 104 гектарга етди. 2010 йилда пахтадан 36, буғдойдан 65 центнердан ҳосил олган бўлсак, 2014 йилда бу кўрсаткич тегишлича 45 ва 80 центнерни ташкил этди. Деҳқончиликдан 80 миллион сўм соф фойда олдик.

Бу йилги режаларимиз бундан ҳам юқори — ҳосилдорликни пахтадан 55, ғалладан 85 центнерга кўтариш. Бунинг учун барча имкониятларимиз бор. Даромаднинг ортиб бориши билан хўжаликнинг моддий-техник базаси ҳам мустаҳкамланмоқда. Иш бошлаган йилларда хўжалигимизда кетмондан бошқа “техника” йўқ эди. Бугун эса МТЗ-80 ва ТТЗ русумли тракторлар, агротехник ишлов беришга мўлжалланган агрегатларимиз бор.

Меҳнатинг қадрланса, рағбатлантирилса, киши янги муваффақиятлар сари интилаверар экан. Давлатимиз худди шундай йўл тутмоқда. 2007 йилда “Ўзбекистон Қаҳрамони” фахрий унвони билан тақдирландим. Эл-юрт олдидаги арзимас хизматларим шундай юксак баҳоланишига жавобан шу эътирофга муносиб бўлиш, Ватанимиз равнақи йўлида янада самарали меҳнат қилиш — олий мақсадим.

Мен Президент сайловида ана шундай эзгу мақсадларимиз рўёби, Ватанимиз ва халқимиз равнақи учун овоз бердим.

Халчахон МИРЗАЕВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Наманган вилояти
Тўрақўрғон туманидаги
«Хадича ая» фермер
хўжалиги раҳбари.
(ЎзА).

Суратда: Ўзбекистон Қаҳрамони Халчахон Мирзаева.

ЎзА фотомухбири
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ
олган сурат

Мамлакатимизда 29 март куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг 300 га яқин вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этди.

ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлиб, мамлакатимиз сайлов тизими, Президент сайловига тайёргарлик ишлари, овоз бериш жараёни, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самаралари ҳақидаги фикрларини ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ ВА ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАРГА МОС ЎТДИ

Дмитрий МЕЗЕНЦЕВ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби:

— Миссиямиз аъзолари сайлов куни эрта тонгдан Тошкент шаҳридаги сайлов участкаларида бўлди. Ёшлар ва катталар, табаррук ёшдаги отахон ва онахонлар ўз хоҳиш-иродасини билдириб, сайловда фаол иштирок этганини кўриб, халқингизнинг бирдамлиги, Ватани тақдирига дахлдорлигини чуқур ҳис этишини кузатдик.

Аҳолининг сиёсий фаоллиги – мамлакатнинг мустақил тараққиёти муваффақиятини кўрсатувчи муҳим белги. Сайлов куни фуқаролар билдирган ишонч ва истаклар янги муваффақиятлар, янги ютуқларга пойдевор бўлади. Бу Ўзбекистоннинг дунё ва минтақадаги нуфузини янада юксалтириш, халқаро ташкилотлар, жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги позициясини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг кенг кўламли ва ишончли тараққиёти изчил давом этишини тилайман.

Али АБОЛҲАССАНИЙ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) кузатувчилари миссияси раҳбари, ИҲТнинг сиёсий департаменти директори:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги кузатишимни Тошкент шаҳридаги 471-сайлов участкасидан бошладим. Сайловчилар эрта тонгданоқ сайловга кўтаринки руҳда, фаол келганини кўриб, уларнинг мамлакат тақдирига, келажагига дахлдорлик туйғуларини астойдил ҳис этишларини англадим. Бу мамлакатингизда демократик тамойиллар мустаҳкам қарор топганидан дарак беради.

Сайлов жараёнига пухта тайёргарлик кўрилганига, фуқароларнинг эркин ва фаол овоз бериши учун барча шароит ва имкониятлар яратилганига гувоҳ бўлдим. Бунинг самарасида Ўзбекистонда Президент сайлови юксак савияда, очиқлик ва ошкоралик руҳида ўтди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни кузатиб бораман. Ўзбекистон иқтисодиёти изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Мамлакатингиз юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришиб, дунё ҳамжамиятининг эътиборини қозонмоқда. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон билан ташкилотимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланаётгани бизни ғоят қувонтиради. Ўзаро алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий соҳадаги истиқболли қўшма лойиҳаларни фаоллаштириш тарафдоримиз.

Сергей ЛЕБЕДЕВ, МДҲ ижроия қўмитаси раиси — ижрочи котиби:

— Миссиямиз таркибига Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидан 72 вакил киритилган. Ушбу гуруҳ раҳбари сифатида Тошкент ва Жиззах вилоятларидаги сайлов участкаларини кузатиб, сайловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўлдим. Ким билан суҳбатда бўлмайлик, барча фуқаролар мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт бардавом бўлиши учун овоз берганини билдирди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон барқарор тараққиёт ва ривожланиш йўлидан бормоқда. Барча шаҳару қишлоқлар обод ва гўзал. Хусусан, Жиззахда амалга оширилган ўзгариш ва янгиланишларни кўриб қувондим. Миссиямиз вакиллари бундай ўзгаришлардан ғоят мамнун.

Ўзбекистон сайлов тизими умумэътироф этилган халқаро стандартларга тўла мос. Бу сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилган ишлар, овоз беришнинг юксак савияда ўтганида ҳам намоён бўлди.

●○●●▶2

2015-yil 31-mart, seshanba, № 41 (3546), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ ВА ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАРГА МОС ЎТДИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Гао ЮЙШЭН, Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг элчиси:

— Дунёнинг кўплаб давлатларида сайлов жараёнларини кузатганман. Ўзбекистонда овоз бериш тартиби, улардан фарқли равишда, муайян афзалликларга эга. Сайлов юксак савияда ташкил этилгани, ушбу жараёнда миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этилганидан ташқари, ҳар бир сайлов участкасида тиббиёт хонаси ташкил этилганини ҳам таъкидламоқчиман. Ота-оналар овоз бераётганда уларнинг фарзандлари она ва бола хоналарида мутахассислар қаровида бўлди.

Саломатлиги туфайли сайлов участкасига кела олмаган ва ёши улуғ фуқаролар ўз уйларида овоз бериш имконига эга бўлгани ҳам эътиборга лойиқдир. Бу ҳар бир фуқарога ўз ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишга ёрдам берди.

Кэрол Робертсон ЛОПЕС, Нью-Мексика штати болалар жамғармаси ижрочи директори (АҚШ):

— Эрта тонгда Фарғона шаҳридаги 696-сайлов участкасига бордим. Президент сайлови демократик меъёрларга мос тарзда ташкил этилганига гувоҳ бўлдим. Сайловчиларнинг фаоллиги, айниқса, ёшларнинг кўтаринки кайфияти менда катта таассурот уйғотди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни доимо кузатиб бораман. Мамлакатингизда сайлов тизими йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Сайлов кампаниясининг илғор жиҳатларидан бири Президентликка номзодлар учун сайловолди ташвиқотини олиб боришда тенг имкониятлар яратилганидир. Буни оммавий ахборот воситаларидаги ташвиқот материаллари, кўчаларга ўрнатилган улкан баннерлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин эди. Биринчи марта овоз берадиган фуқароларга алоҳида эътибор қаратилиши ҳам диққатга сазовор. Ёшларни мамлакат сиёсий ҳаётига жалб қилиш барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан биридир. Овозларни санаб чиқиш жараёнида номзод кўрсатган сиёсий партиялардан кузатувчилар қатнашгани сайлов очиқ-ошкора ўтказилганидан далолат беради.

Пьер-Эммануэль ТОМАНН, Халқаро алоқалар бўйича Европа институти доктори (Бельгия):

— Ўзбекистонга ҳар келганимда бир янгилик гувоҳи бўламан. Бу сафар ҳам қадимий Хоразм, айниқса, гўзал ва тарихий Хивани кўришга муяссар бўлганимдан бахтиёрман. Хива китобларда ўқиганимдек гўзал, очиқ осмон остидаги музей шаҳар экан.

Сайлов участкаларидаги шароит жуда юксак эканини айтиш жоиз. Тиббиёт, оналар ва болалар хоналари, қариялар бурчагини ҳеч қайси давлатда учратмаганман. Бу мен каби сиёсатшунос учун ажойиб янгилик бўлди.

Лимб Жонг МЁНГ, «Diplomacy» журнали муҳаррири (Корея Республикаси):

— Ўзбекистонда Президент сайлови тенглик, очиқлик ва транспарентлик асосида ўтди. Мамлакатингиз сайлов қонунчилиги билан танишиш асосида унинг барча демократик талабларга мос эканига гувоҳ бўлдим. Бу дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Ислоҳотлар изчиллик билан, узоқни кўзлаб амалга оширилмоқда. Шу боис юртингизда барча соҳалар йил сайин тараққий этиб бормоқда.

Ўзбекистондаги тинчлик ва осойишталик, барқарорлик ва ҳамжиҳатлик муҳитига ҳавас қилса арзийди.

Кеничи МАЦУМОТО, Япония тиббиёт ускуналари соҳасида ташқи техник кўмак ташкилоти президенти, "Мацумото" жамғармаси раиси:

— Тошкент шаҳридаги 158-сайлов участкасидаги овоз бериш жараёнини кузатдим. Участка демократик тамойилларга мос жиҳозлангани, сайловчилар ушбу муҳим сиёсий тадбирда фаол иштирок этгани қувонарли.

Айтиш жоизки, демократиянинг барча давлатларда бир хил жорий этилиши лозим бўлган универсал модели йўқ. Ҳар бир тизим муайян халқнинг манфаати, маданияти, анъана ва урф-одатлари, мамлакатнинг жўғрофий-тарихий шароитини ҳисобга олган ҳолда жорий этилса юксак самара беради. Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, жумладан, сайлов тизими халқаро андозалар ва демократик давлатларнинг илғор тажрибаси, халқнинг анъанавий қадрият ва қарашларини мужассамлаштиргани билан ҳам диққатга сазовордир. Менимча, сайловлар худди Ўзбекистондагидек эркин, адолатли, очиқ ва ошкора, тартибли ва осойишта ўтиши лозим. Зеро, тинчлик ва осойишталик тараққиёт ва фаровонликнинг асоси ҳисобланади.

Ўзбекистонда жисмонан чиниққан ва маънан етук авлодни камол топтиришга қаратилаётган эътибор, бу йўлда олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни юксак баҳолайман.

Герхард БИРКЛ, "Silk Road" маданий-жамоат компанияси директори (Германия):

— Навоий вилоятидаги сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини кузатдим. Мамлакат келажаги учун муҳим ушбу сиёсий тадбирда аҳолининг фаол иштирок этгани эътиборимизни тортди. Сайловчилар эмин-эркин, мамлакат эртасини ўйлаб, ўзлари хоҳлаган номзодга овоз берди.

Участкаларда тиббиёт, она ва бола хоналарини ташкил этиш тажрибасини бошқа давлатларда, хусусан, Германияда ҳам татбиқ этса арзийди.

Майкл ТОМАС, "Pathfinder Trade and Invest" компанияси ижрочи директори (Буюк Британия):

— Ўзбекистонда Президент сайлови кўтаринки руҳда, тенглик, ошкоралик, транспарентлик ва демократик тамойиллар асосида ўтди.

Сайлов юксак савияда ташкил этилгани, участка комиссиялари аъзолари ўз ишини пухта билиши ва тўғри бажаргани самарасида эътирозга сабаб бўладиган ҳеч бир ҳолат кузатилмади.

Мамлакатингизнинг минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари диққатга сазовор. Ўзбекистонда қарор топган барқарор муҳит, ҳукм сураётган осойишта ҳаёт мамлакатингиз тараққиётида, унинг халқаро ҳамкорлигининг изчил мустаҳкамланишида ва хорижий инвестицияни жалб этишида муҳим рол ўйнамоқда. Зеро, тинчлик ва барқарорлик қарор топган юртгагина сармоя киритилиб, муваффақиятли бизнес қилинади.

Ив Поззо ди БОРГО, Франция Республикаси Сенатидаги "Франция — Марказий Осиё" парламентлараро дўстлик гуруҳи аъзоси:

— Самарқанддаги бир нечта сайлов участкасида бўлдим. Фуқаролар сайловда фаол қатнашди, ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин билдирди. Участкаларда тиббиёт, она ва бола хоналари ташкил этилгани, партиялар кузатувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва халқаро кузатувчиларнинг самарали фаолият олиб бориши учун яратилган шароитлар ҳам эътиборга молик. Ўзбекистоннинг миллий қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилган сайловларни адолат ва тенглик асосида ўтказиш тамойили сайлов жараёнида яққол ўз ифодасини топди.

Самарқандда амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишларини алоҳида эътироф этишни истардим. Бундай бунёдкор халқнинг истиқболи ҳам порлоқ бўлиши шубҳасиз.

Йоханн ХЕРЦОГ, Вена парламенти президенти (Австрия):

— Тошкент шаҳридаги сайлов участкаларида бўлиб, сайлов жараёнларини диққат билан кузатдик. Сайловчиларнинг овоз бериш жараёнида фаол иштирок этгани мени қувонтирди.

Номзодларнинг сайловолди ташвиқот ишларини ҳам кузатдик. Президентликка номзодлар ўртасида соғлом рақобат яққол сезилиб турди.

Шунга амин бўлдимки, фуқаролар сайлов қонунчилигидан, Президентликка номзодлар ҳақидаги маълумотлардан яхши хабардор. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг демократик, очиқлик ҳамда ошкоралик тамойилларига мувофиқ ўтиши ва сайловчиларнинг ўзларига муносиб номзодни танлашларига кенг имконият яратди.

Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлидан дадил бораётир. Бу халқингизнинг тобора юксалиб бораётган фаровонлигида, фуқароларнинг сайловда ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин ва мамнуният билан адо этганида ҳам яққол кўриниб турибди.

Александр ЦИНКЕР, МДҲ ва Шарқий Европа мамлакатлари институти директори, Сайлов тизимларини ўрганиш бўйича халқаро марказ президенти (Исроил):

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўлдик. Сайлов тизимининг замон талаблари асосида шаклланган, бу борада халқаро нормаларга жавоб берадиган қонунлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилаётгани мамлакатингизнинг улкан ютуғидир. Сайловчиларнинг эркин, яширин овоз бериши учун барча шароит яратилди. Буни мен Тошкент шаҳридаги бир қанча сайлов участкалари мисолида кўрдим.

Яна бир жиҳат эътиборимни тортди: сайлов участкасига келиш имконига эга бўлмаган кишиларнинг уйига махсус кўчма қутилар олиб борилар экан. Бу халқингизга хос инсонпарварлик ва бағрикенглик, сайлов тизимидаги тенгликнинг яна бир ифодасидир.

Ўзбекистонда ёш авлод тарбиясига қаратилаётган эътибор таҳсинга лойиқ. Мамлакатингизнинг ёшларга оид давлат сиёсати бошқалар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ёшларнинг кексаларга кўрсатаётган ҳурмат ва эҳтиромидан ҳайратландим. Одамларнинг бир-бирига гўзал муомаласини кўриб, халқингизнинг маданиятига ҳавас қилдим.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби қадимий шаҳарлардаги меъморий обидаларни зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлганман. Мамлакатингизда аждодларингизнинг бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар ўз самараларини бермоқда.

Дорис София Ак БРОДИ, Малайзия Сенати президенти ўринбосари:

— Ўзбекистонда Президент сайлови миллий қонунчилик доирасида ва жаҳон андозаларига мос равишда очиқ-ошкора ўтди. Сайловчилар эрта тонгдан овоз бера бошлади. Бунга мен Тошкентдаги 160-сайлов участкасида овоз бериш жараёнини кузатиш асосида амин бўлдим.

Участкаларда сайловчиларни рўйхатга олиш тартибли ташкиллаштирилгани эътиборимни тортди. Ногиронлар, сайловга келолмайдиган кишилар учун уларнинг хонадонларида овоз бериш ташкил этилгани ҳам диққатга сазовор. Бу инсонпарварликнинг амалдаги ифодаси бўлиши билан бирга, ҳар бир фуқаронинг сайлаш ҳуқуқини таъминлашга қаратилаётган эътибор намунасидир.

Сайлов участкаларида сиёсий партияларнинг вакиллари ва кузатувчилар, журналистлар учун барча шарт-шароит яратилгани, тиббий хизмат, оналар ва болалар хоналарининг ташкил этилгани эътиборга молик. Сайловга бундай пухта тайёргарлик кўрилгани, ҳар қандай ҳолат ҳисобга олингани фуқаролар учун кенг қулайлик яратди.

Эко Шри МАРГИАНТЕ, Гунадарма университети ректори (Индонезия):

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини қатор участкаларда бевосита кузатиб шунга амин бўлдимки, мамлакатингизда ҳар жиҳатдан пухта шаклланган, демократик тамойилларга асосланган, халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган сайлов тизими жорий этилган. Сайловчиларнинг фаоллиги юқори экани яққол кўзга ташланди.

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши ҳар йили 8 фоиздан ошаётгани ҳавас қилгуликдир. Бу мамлакатингизда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги изчил ислоҳотлар самараларидан. Ўзбекистон барча соҳада жадал тараққий этмоқда. Шаҳару қишлоқлар чирой очмоқда, янги уй-жойлар, маҳобатли замонавий иншоотлар барпо этилмоқда.

Ўзбекистонда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар узвийлиги ва босқичма-босқичлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу жараён умумий ўрта таълим мактабидан сўнг ўқувчилар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим билан тўла қамраб олинишида намоён бўлаётир. Дунёдаги нуфузли хорижий университетларнинг Ўзбекистонда филиаллари фаолият юритаётгани мамлакатингизда таълим тизими ғоят тараққий этганининг ёрқин ифодасидир.

Андрей ХРИЕНКО, «Вектор» стратегик тадқиқотлар халқаро институтининг бош директори (Россия):

— Сайлов куни эрта тонгда Тошкент шаҳридаги 160-сайлов участкасига борганимда, у ер аллақачон сайловчилар билан гавжум экан. Фуқароларнинг бундай фаоллиги уларнинг Ватан равнақи ва халқ фаровонлигига ўзини дахлдор сезишини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистонда Президент сайловига тайёргарлик борасида ўрнак олса арзигулик жиҳатлар кўп. Сайлов участкаларида сайловчилар ва кузатувчилар учун яратилган қулайликлар, юксак даражадаги шарт-шароит бунга ёрқин мисолдир. Бунинг самарасида сайловчиларнинг овоз бериш ҳуқуқлари тўла таъминланди.

Ўзбекистон изчил ривожланаётган мамлакат. Мустақилликнинг илк йилларида танланган Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли — "ўзбек модели" бугунги кунда юксак самаралар бермоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий соҳаларда, хусусан, таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар эътиборга молик. Мамлакатингизда жорий этилган узлуксиз таълим тизими натижасида юксак билим ва малакага эга мутахассислар тайёрлашнинг самарали механизми яратилган. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига ҳавасим келади. Уларда ёшларнинг камида иккита касбни эгаллаши, битирувчиларнинг иш жойи олдиндан тайин бўлиши Ўзбекистонда ёшлар масаласига катта эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

Раафат Муҳаммад САКР, "Миср-Ўзбекистон" дўстлик жамияти котиби (Миср):

— Ўзбекистоннинг сайлов тизими ва бу борадаги тажрибаси ўрганишга арзийди.

Баъзи мамлакатларда давлат раҳбари парламент томонидан сайланади. Ўзбекистонда Президент умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов асосида фуқаролар томонидан сайланиши демократиянинг катта ютуғидир. Президент сайлови очиқ, ошкора ва кўппартиявийлик асосида ўтгани эътиборга молик.

"Миср-Ўзбекистон" дўстлик жамияти мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни, жумладан, фан, таълим, сайёҳлик ва маданият йўналишларидаги ўзаро алоқаларни ривожлантиришга, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиб келмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистоннинг турли вазирлик ва идораларида бўлдик. "Ўзбектуризм" Миллий компаниясида мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлар алмашинувини ривожлантириш бўйича музокаралар ўтказдик. Миср билан Ўзбекистон ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишдан ҳам манфаатдормиз.

Али Абдулла Муборак Ал МАЗРУИ, «Буруж» компаниясининг ташқи иқтисодий алоқалар департаменти бошлиғи (Бирлашган Араб Амирликлари):

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид қонунчилик мукаммал ва халқаро андозалар талабларига тўлиқ жавоб беради. Ҳуқуқий замин мустаҳкам бўлгани учун ҳам Президент сайлови юқори савияда ўтди. Тошкентнинг кўплаб сайлов участкаларида бўлиб, бунга шахсан ишонч ҳосил қилдим. Халқаро кузатувчиларнинг сайлов жараёнини бевосита кузатиб бориши учун ҳам кенг имконият яратилди.

Сайловда иштирок эта олмайдиган беморлар, қарияларнинг уйларига сайлов қутилари олиб борилгани, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида сайлов участкалари тузилгани ҳар бир фуқарога ўз ҳуқуқидан тўла фойдаланиш имконини берди.

Мазкур сайловни кузатиш учун уч юзга яқин халқаро кузатувчи келгани бежиз эмас. Бу Ўзбекистоннинг нуфузи ошиб бораётганидан, юртингизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, иқтисодий юксалиш борасидаги улкан ютуқлар халқаро миқёсда катта қизиқиш уйғотаётганидан далолатдир.

Мазахир ПАНАХОВ, Озарбайжон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси:

— Президент сайлови мамлакат ҳаётидаги муҳим тарихий воқеадир. Бу жараёнда бутун халқнинг, мамлакатнинг келажаги белгиланади. Ўзбекистонда сайловлар адолатлилик, очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик каби демократик принциплар асосида ўтганига гувоҳ бўлдик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган демократик тамойилларнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Гоус Бах Хон МАҲР, Покистон Миллий ассамблеяси депутати:

— Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мамлакатингиз сайлов қонунчилигини янада такомиллаштирди. Ўзбекистон Президенти сайлови ушбу такомиллашган тизим асосида, демократия янада ривожланган шароитда ўтди.

Сайловолди жараёнини кузатишим шуни кўрсатдики, бу сиёсий тадбирга катта тайёргарлик кўрилган. Участкаларда сайлов юксак даражада ўтиши учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Президент сайловига оид қонунларнинг халқаро меъёрларга тўла мос келиши, халқингизнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллиги сайловнинг юқори савияда ўтишида муҳим омил бўлди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВ САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмонов 29 март куни Тошкент шаҳридаги 260-сайлов участкасида овоз берди.

Мустақиллик йилларида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини рўёбга чиқариши учун мамлакатимизда барча зарур шароит яратилди. Ўзбекистонда сайловлар демократик ҳуқуқий ислоҳотларнинг муҳим институтига, халқимиз сиёсий ҳаётда, жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этишининг асосий шаклларидан бирига айланди.

Истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизими сайловларни очиқ ва ошкора ўтказишнинг пухта механизми эканини исботлади ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишларнинг яққол самараларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ривожланган давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибаси ва миллий анъаналаримизнинг ўзаро уйғунлаштирилиши натижасида миллий сайлов қонунчилигимизда халқимиз ўз хоҳиш-иродасини эркин ва очиқ ифода этишини таъминлайдиган жиҳатлар ўз аксини топаётир.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, барча соҳаларни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишда улкан ютуқларга эришилмоқда. Юртимизда кам таъминланган, ҳимояга муҳтож ва имконияти чекланган кишиларга амалий ёрдам бериш, пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Инсон, унинг манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилган демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги кенг қўламли ислоҳотлар жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда халқаро меъёрларга тўла мос ҳолда, кўппартиявийлик, ошкоралик тамойиллари асосида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юртимиз истиқболида муҳим ўрин тутади. Сайловчиларнинг унда фаол иштирок этгани халқимиз Ватанимизнинг буюк келажагига катта ишонч ва дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидан далолатдир.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АКМАЛ САИДОВ САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов 29 март куни Тошкент шаҳридаги 93-сайлов участкасида овоз берди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган мустаҳкам қонунчилик яратилган. Фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга экани Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган. Бу жараёнда юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилгани, бебаҳо миллий маънавий меросимизни асрашга, буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлишга оид чоратадбирлар изчил амалга оширилгани ҳаётимизни янги маъно ва мазмун билан бойитди. Натижада ҳар жиҳатдан етук, ўзининг мустақил дунёқараши ва қатъий фуқаролик позициясига эга юртдошларимиз, шу руҳда камолга етаётган ёшларимиз барча соҳаларда фаоллигини намойиш этмоқда.

Сайловлар кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродаси эркин ифодаланиши, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шаклидир. Мамлакатимизда яратилган сайлов тизими фуқароларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқи тўлиқ амалга ошишига хизмат қилаётир. Бунинг амалий ифодаси халқимизнинг Президент сайловида фаол иштирок этганида ҳам яққол намоён бўлди.

Миллий қонунчилигимизда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи экани акс этган. Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади. Бўлиб ўтган Президент сайлови буни яна бир бор кўрсатди.

Сайлов халқаро ҳуқуқ нормаларига мос, ошкоралик, кўппартиявийлик, эркинлик, тенглик тамойилларига мувофиқ ўтди. Бунда сайлов тизимига оид қонунчиликда фуқароларнинг сайловолди кампаниясида ва овоз беришда эркин қатнашиши, овоз бериш яширинлиги, буни ҳар бир фуқаронинг ўзи бевосита амалга ошириши белгилаб қўйилгани алоҳида аҳамият касб этди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ КАРИМОВ САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 29 март куни Тошкент шаҳридаги 644-сайлов участкасида овоз берди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган миллий сайлов тизими яратилди. Бош қомусимиз ва сайлов тўғрисидаги қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сайлов тизимини янада такомиллаштирди. Бунинг самарасида сайловларнинг халқаро демократик тамойилларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукаммал қонунчилик базаси шакллантирилди.

Бутун дунёда "ўзбек модели" сифатида тан олинган тараққиёт йўли мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришнинг асосий омили бўлмоқда. Иқтисодиёт изчил модернизация қилинаётгани самарасида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгаймоқда. Хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожи замонавий товар ва хизматларни кўпайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш имконини бермоқда. Ерларнинг унумдорлиги оширилаётгани, фермер хўжаликлари кўптармоқли хўжаликларга айлантирилаётгани халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик, қулай инвестиция муҳити самарасида халқаро ҳамкорлик тобора ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизнинг бугуни ва келажаги учун муҳим сиёсий воқеадир. Бўлиб ўтган сайловда фуқароларимиз фаол иштирок этди. Ҳар бир сайловчи хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб, ўзининг ва халқимизнинг фаровонлиги, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, Ватанимизнинг буюк келажаги учун овоз берди. Ушбу жараён миллий қонунчилигимиз ва халқаро меъёрларга тўла мос ҳолда, ошкоралик, тенглик, кўппартиявийлик асосида ўтди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД НАРИМОН УМАРОВ САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРДИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 29 март куни Тошкент шаҳридаги 505-сайлов участкасида овоз берди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган мустаҳкам миллий қонунчилик ва сайлов тизими яратилди. Бу сайловларни очиқлик-ошкоралик ва кўппартиявийлик каби демократик тамойиллар асосида ўтказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Юртимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши сайловларнинг энг юксак демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос, мамлакатимиз Асосий қонунида мустаҳкамланган қоидалар асосида ўтишига, сайловчиларнинг фаоллиги ва улар қабул қиладиган қарорга боғлиқ.

Сайловчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этди. Зеро, сайлов бу ўз ҳуқуқини англаган ҳолда эркин танлаш ва онгли овоз беришдир. Сайловда қатнашиш сайловчиларнинг нафақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланиш, айни пайтда Ватанимиз келажаги ва халқимиз тақдири олдида масъул эканини теран тушунишидир.

Ўзбекистонда демократик тамойиллар асосида аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларининг турмуш сифати ва даражасини янада оширишга қаратилган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш орқали соҳага инновацияларни жорий қилиш, кадрларни мақсадли тайёрлаш, илм-фанни ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада ошириш борасида олиб борилаётган ишлар дунё бўйлаб кенг эътироф этилмоқда.

Бўлиб ўтган Президент сайловида очиқлик ва ошкоралиқни таъминлаш мақсадида мамлакатимизда ягона компьютер тармоғи яратилгани овоз бериш жараёнини онлайн режимида кузатиш ҳамда юртимизнинг барча ҳудудлари билан видеоалоқа ўрнатишга ёрдам берди.

ЎзА

2015-yil 31-mart, seshanba, № 41 (3546), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

«Кексалари эъзозланган юрт» республика танловига

Шундай инсонлар борки, умри давомида атрофдагиларга эзгулик нурини таратиб яшайди. Улар бамисоли қуёшга ўхшайди. Беминнат яхшиликлар қилади. Кексарганда ҳам юртим корига ярай, дея яшайди. Ана шундай нуронийларимиздан бири Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгаши қошидаги «Фаол фахрий аёллар билан ишлаш гуруҳи» раҳбари ёрдамчиси Мукаррам Муҳитдиновадир.

ИБРАТЛИ УМР

Онахоннинг етмиш етти ёшга кирган бўлишига қарамай фаоллиги, дунёқараши кенглиги, фикрларининг теранлиги, зукколиги, сўзлаш маданиятига ҳавасингиз келади. Ҳаётнинг улуғ неъмат эканлигини яхши англаб, унинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладиган Мукаррамхон Муҳитдинова физика-математика фанлари номзоди, доцент. Узоқ йиллар Тошкент техника университетида математика фанидан ёшларга таълим берган, «Амалий математика» кафедраси мудири лавозимида ишлаган. 100 дан ортиқ илмий-услубий ва илмий-оммабоп мақолалар, қатор маънавий-маърифий китоблар муаллифи ҳамдир.

1938 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Мукаррам муаллимлар хонадонида вояга етгани боис зеҳни ўткир, тутган жойини кесиб оладиган даражада қатъиятли, ўз мақсадига эришиш учун курашувчи инсон бўлиб вояга етди.

— Отам Эшонхўжа Муҳитдинов ўқитувчи бўлган. Онам Муҳтарамхон Саид-Ашрафхон қизи зиёли оилада туғилган бўлиб, отасининг яхшигина кутубхонаси бўлган. Аммалари эса қизлар мактабини очишган. Онам шу мактабни тугатгач, отасининг кутубхонасидаги араб имлосида ёзилган китобларни мутолаа қилишни севимли ишига айлантирган. Зеҳни ўткир бўлгани учун бир-икки ўқиган нарсасини ёдлаб олар экан.

Отам аввал ўрта мактабда, кейинроқ эса молия институти ва ҳисоб-кредит техникумида дарс берган. Кунларнинг бирида отам ишдан эртароқ қайтиб, айвоннинг четига ҳорғингина ўтирди-да «уруш бошланибди» деди. Онам эса «вой, шўрим» деганча ўрнидан туриб кетди. Шу тариқа авжи болалик чоғим, ўйнаб-куладиган, ширин-ширин таомлар ейдиган, чиройли кийимлар киядиган дамларим уруш йилларига тўғри келган, — дея ёдга олади онахон.

Лекин ҳанузгача у ўша пайтларни соғиниб, энтикиб, завқ-шавқ билан эслайди. Чунки унинг очлик-юпунликни унутадиган, кўнглига ажиб бир эзгуликни соладиган дўсти, ҳамроҳи — китоб бор эди. Кечаси хонтахта устидаги хирагина лампа чироқ ёруғида мутолаага берилади: ўзи учар гиламларда учади, очил дастурхонларда тўйиб-тўйиб овқатланади, пари-малаклар, шаҳзодалар, денгизчилар билан бирга кемаларда сузади, Зайнаб Кумушнинг овқатига заҳар солганда кўзларидан шашқатор ёш сизади, ҳали севги-муҳаббат нималигини билмаса-да, Отабек билан бирга иликда куюнади... Очликни, юпунликни унутиб ухлаб қолганини билмай қолади.

Ерталаб эса ҳаммаёқ жой-жойида, китобдан дарак йўқ. Ойисидан сўрайди. Онаси жим бўлишини, уйда китоб борлигини ҳеч кимга айтмаслигини тайинлайди.

Шу тариқа ёшлигиданоқ китобни севишга, уни асраб-авайлашга, ўқиганларини эса, албатта, ён-веридагиларга сўзлаб беришга ҳаракат қилди. Мактабни олтин медал билан тамомлаб, 1954 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг физика-математика факультетига ўқишга кирди. Олийгоҳни аъло баҳоларга битириб, уч йил давомида Москва давлат университети аспирантурасида таҳсил олди.

У Ўзбекистон Фанлар академияси Кибернетика институтида кичик илмий ходим, лаборатория мудири вазифаларида ўн йилга яқин фаолият кўрсатди. Бу йиллар давомида илмий иш билан шуғулланиб, диссертация ҳимоя қилди. Будапешт, Москва, Ленинград, Рига, Минск, Кишинёв ва бошқа шаҳарларда ўтказилган илмий анжуманларда маърузалари билан қатнашди.

2000 йилда пенсияга чиққан М.Муҳитдинова маза қилиб дам олса ҳам бўларди, аммо буни истамади. Ҳолбуки, турмуш ўртоғи, олим ва педагог Аҳмад ака Хонбобоев оила соҳиби сифатида ҳамма шароитни яратиб қўйган, қизи Муаззамхон, ўғли Неъматжон ҳаётда ўз ўрнини топганди.

Мукаррам опа гуруҳ раҳбари ёрдамчиси сифатида фахрий аёллар ҳолидан хабар олиш, мактаблар, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида ёш авлод вакиллари билан учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этишда фаол иштирок этмоқда. «Интернет бизга нима учун керак?», «Она — биринчи муаллима», «Устоз отангдек улуғ», «Буюк маънавий жасорат», «Сўзи билан иши бир бўлса», «Ёшингизга ёш қўшилаверсин», «Опа-сингиллар» каби маърузалари ва ёзган китоблари орқали ёшларни қизиқтирган саволларига батафсил жавоб бермоқда.

— Фаол ҳаракатларимда республика санаторийлари, жумладан, «Бўстон» санаторийсининг алоҳида ўрни бор. У ер соғлигимни тиклаб, уйимга, ишимга бардам ҳолда қайтишимда, кўпинча, асосий ролни ўйнайди, — дейди Мукаррам опа. — Кексаликни файзли фасл дейишади. Ўзларидаги бир умрлик тажрибаларини ёшларга улашаётган Хосият Ёқубжонова, Муборак Юнусхўжаева, Тўти Юсупова, Рихси Иброҳимова, Қумри Абдуллаева, Дилбар Ғуломова, Марям Ихтиёрова каби кўплаб фаолларимиз билан ишлаш мен учун қувончлидир. Чунки улар билан биргаликда уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, узоқ йиллар турли жабҳаларда самарали фаолият кўрсатиб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган меҳридарё онахонлар ҳолидан хабар олиш баробарида, ўзбекона урф-одатларимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб янада бойиши, ёшларни юртга фидойи, комил инсонлар қилиб тарбиялаб, ибратли, аҳил оилалар сонининг ортишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдамиз.

Эл орасида обрўйи баланд, сўзи қадрли Мукаррам опа каби инсонлар тажрибасига ёш авлод доимо эҳтиёж сезади. Шунинг учунми, уларни учрашувларга таклиф этиб, суҳбатини олишга ҳаракат қилишади.

Комила БОЙМУРОДОВА,
“Ishonch” мухбири

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Савол: Олий таълим муассасаси 4-босқич талабаларининг ўқишни тамомлагунга қадар ишлаши мумкин эмасми?

Жавоб: Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Низомнинг 8-бандига кўра, олий таълим муассасасининг 4-босқичида ўқиётган шахслар педагоглик фаолияти билан шуғулланиши мумкин ва уларга ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлган тегишли лавозимдаги ходимнинг базавий тариф ставкаси сингари базавий тариф ставкаси белгиланади.

Савол: Янги ўқув йилидан ўрта махсус маълумотли ва 26-28 йил иш стажига эга ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти тўхтатилиши ҳақида эшитиб қолдим. Шу тўғрими?

Жавоб: Президентимизнинг 2010 йил 28 майдаги ПҚ-1345-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 181-сонли қарори асосида Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари” 11-бандига мувофиқ ўқитувчи лавозимига қуйидаги малака талаблари белгиланган:

а) бошланғич синф ўқитувчилари учун бошланғич таълим ихтисослиги бўйича камида ўрта махсус педагогик маълумот;

б) фан ўқитувчиси учун фан йўналишига тўғри келувчи камида бакалавр даражасидаги олий педагогик маълумот;

в) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиш.

Юқоридаги талабларга жавоб берадиган педагоглар ўз фаолиятларини давом эттириши мумкин.

Савол: Педагог ходимлар вилоят педагог ходимларнинг малакасини ошириш институтига ўқишга юборилганда сафар харажатлари учун тўлов тўланадими? Қандай ҳолатда малака ошириш курсига борган ходимга сафар харажатини қоплаш учун маблағ ажратилади?

Жавоб: Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги 234-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисида”ги Низомнинг 105-бандига мувофиқ халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим муассасаларига ишдан ажралган ҳолда ўқишга юборилган тингловчиларнинг ўқиши даврида асосий иш жойи бўйича лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланиб қолади. Ишдан ажралган ҳолда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида таълим муассасаларига ўқиш учун бошқа жойлардан юборилган тингловчиларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўқишга бориш ва ундан қайтиш бўйича бир марталик йўл ҳақи харажатлари уларни юборган томон ҳисобидан қопланади.

Ушбу Низомнинг 106-бандига кўра, шартнома асосида қайта тайёрлаш курслари учун ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш тамойиллари асосида сарф-харажатлар сметаси қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси томонидан тузилади ва унинг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Савол: Ўриндош сифатида дарс бераётган ходимга иккинчи иш жойидан ҳам ўқув йили охирида таътил пули бериладими?

Жавоб: Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли қарорига кўра тасдиқланган “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2-бандига мувофиқ ўриндошлик асосида ишлаш — ходимнинг асосий ишини бажаришидан ташқари, асосий ишидан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажаришидир.

Ушбу Низомнинг 16-бандига мувофиқ, ўриндошлик асосида ишловчи шахсларга ҳар йилги асосий, шунингдек, ўриндошлар ҳақли бўлган қўшимча таътиллар асосий иш жойидаги ҳар йилги меҳнат таътили билан бир вақтда берилади.

Агар ўриндошлик асосида ишлашнинг биринчи иш йилида ходим олти ойдан кам ишлаган бўлса, у ҳолда ўриндошлик асосидаги ишда таътил учун ишланган вақтга пропорционал ҳақ тўланади.

Биринчи иш йилида олти ой ишлаган ўриндошларнинг меҳнат таътилига, шунингдек, ишнинг кейинги йиллари учун меҳнат таътилига ўриндошлик асосидаги ишнинг ўртача иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда одатдаги тартибда ҳақ тўланади.

Ушбу Низомнинг 17-бандига кўра, асосий иш жойи бўйича ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг давомийлиги ўриндошлик асосидаги иш ҳақи тўланадиган меҳнат таътилининг давомийлигидан ортиқ бўлса, у ҳолда иш берувчи ўриндошнинг илтимосига кўра унга ўриндошлик асосидаги иш ҳақи тўланадиган таътилдан ташқари асосий иш бўйича ҳақ тўланадиган таътилнинг қанча давом этиши билан ўриндошлик асосидаги иш ҳақи тўланадиган таътилнинг тафовутини ташкил этувчи кунлар учун иш ҳақи сақланмайдиган таътил беришга мажбурдир.

Низомнинг 18-бандига мувофиқ, ўриндошлар ўриндошлик асосидаги иш жойи бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси олиш, аёллар эса, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари олиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2014 йил 25 декабрдаги 13-, 62- ва 33-к/қ-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш” миқдорларига мувофиқ соатбай ҳақ тўлаш миқдори таркибига меҳнат таътили ҳақи киритилган.

Марҳамат туманилик Мунир Омоновнинг саволларига Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси юристконсулти Д.Муҳамедалиева жавоб берди.

Оилавий тадбиркорлик

1988 йил. Ўша вақтда Маҳбура Тошкент шаҳридаги юқумли касалликлар касалхонасида катта лаборант лавозимида ишларди. Унга касаба уюшма ташкилоти томонидан Рига шаҳрига йўлланма ажратилди. Шаҳарни томоша қилиб юриб, ногаҳон бир кўргазмага кириб қолди. Тадбиркорларнинг турли хил трикотаж маҳсулотлари намойиш этилаётган экан. Беихтиёр дилида ҳавас қулф очди.

ЮРТИМИЗ БАЙРОҒИ

жаҳон узра ҳилпирамоқда

Қайтгач, «Шарқ гули» корхонасида технолог бўлиб ишлайдиган отаси Султон Қориевга сафар таассуротлари ва айниқса, кўргазма ҳақидаги фикрларини мароқ билан ҳикоя қилиб берди. Қизининг тадбиркорликка бўлган қизиқишини отаси ҳам сезди. Маҳбура Қодированинг тадбиркорлик фаолияти айнан шу йиллардан бошланди, десак хато қилмаган бўламиз.

1996 йилдан мўъжазгина цех очиб, у ерда давлатимиз рамзи бўлган байроқлар ҳамда спорт кийимлари ишлаб чиқара бошлади.

— Дастлаб атиги учтагина тикув машинамиз бор эди, — дея хотирлайди опа. — Республикамизда ўтказилаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби спорт мусобақалари қатнашчиларидан бизга турли ҳажмдаги байроқлар, спорт кийимлари етказиб бериш ҳақида буюртмалар туша бошлади. Уларни иложи борича сифатли ва ўз вақтида бажариб беришга ҳаракат қилдик.

Турмуш ўртоғи Абдураҳим Қодиров, фарзандлари Сарвар, Шомансур, Фахриддин ва Фарҳод ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани учун ишлари юришиб кетди.

Шу зайлда республика Ташқи ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармаси, кураш ва таэквандо Федерациялари, «Локомотив» спорт жамияти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби бир қатор нуфузли ташкилотлар «Аъло омад ривож» масъулияти чекланган жамиятининг доимий буюртмачиларига айланишди.

— Асосий маҳсулотларимиз республикамиз рамзи бўлган байроқ, спорт кийимлари ҳамда турли трикотаж маҳсулотлари, — дейди Маҳбура опа Қодирова. — Касбим тақозоси билан Германия, Хитой ҳамда Япония каби бир қатор мамлакатларда бўлдим. Қаерда бўлмай, ўша ердан янгилик олиб қайтишга ҳаракат қиламан.

Юқорида айтганимиздек, опанинг яқинлари унинг ишонган тоғлари. Масалан, турмуш ўртоғи Абдураҳим ака дизайнерлик билан шуғулланса, катта фарзанди Сарвар таъминот масаласи билан машғул. Фарҳод эса менежер.

Муҳими, оилавий тадбиркорларнинг меҳнати қадр топмоқда. Опа «Шуҳрат» медали соҳибаси, Тошкент шаҳар «Ишбилармон аёллар» жамоатчилик бирлашмасининг аъзоси. Опанинг хонасига кирсангиз, гўё музейга кириб қолгандек сезасиз ўзингизни. «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси», «Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси», Тошкент шаҳар «Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар жамоат бирлашмаси» каби кўплаб нуфузли ташкилотлардан олган Фахрий ёрлиқлар Маҳбура опа фаолиятига берилган муносиб баҳо дейиш мумкин.

— Жамоамизда 64 киши меҳнат қилади, — дейди Маҳбура Қодирова. — Олмазор туманидаги енгил саноат касб-ҳунар коллежи маъмурияти билан мустаҳкам алоқа боғлаганмиз. У ерда ўқиётган қизларнинг айримлари бизда ишлаб чиқариш амалиётини ўташади. Касбимизга бўлган муносабати, ўзини тутиши ва қобилиятига қараб ўқишни тугатганларидан кейин ишга таклиф қиламиз.

— Касб-ҳунар коллежининг 2-босқич талабасиман, — дейди Мунира Жўраева. — Бу ерда Сайёра опа Нишонова менга устозлик қиляпти. Ўқишни тугатгач, шу ерда ишлаш ниятим бор. Чунки жамоадаги ўзаро ҳурмат менга жуда ёқади.

Ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ўтган йили 100 миллион сўмлик кредит олинганди. Шу маблағ ҳисобидан барча тикув жиҳозлар Германия, Хитой, Японияда келтирилганлари билан алмаштирилди. Эндиликда ишлаб чиқариш цехини кенгайтириб, маҳсулот турларини кўпайтириш режалаштирилган.

— Корхонамизда касаба уюшма ташкилоти тузилгач, ишчихизматчиларда ишлаб чиқаришга, қолаверса, бир-биримизга бўлган муносабат кескин ўзгарди, — дейди касабақўм раиси Нодира Қодирова. — Мўъжазгина касаба уюшма бурчагида мавжуд қўлланмалардан барча аъзолар истаган вақтларида фойдаланишлари мумкин. Шу ўринда фаолиятимизни кўнгилдагидек ташкил этишимизга ёрдам берган Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Олмазор туман кенгашига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Қайси бир ташкилот пештоқига қараманг, республикамиз байроғига кўзимиз тушади. Наинки мамлакатимизда, балки, бутун жаҳон узра байроғимиз ҳилпирамоқда.

Албатта, бу Маҳбура опа Қодирова бошлиқ оилавий тадбиркорларнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшаётир.

Неъмат РАФИҚОВ,
“Ishonch” мухбири

Осойишталик посбонлари

Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси ва унинг қуйи тизимларида фаолият олиб бораётган профилактика инспекторлари юртимиз ҳудудидаги барча маҳаллаларни қамраб олган. Улар ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли, фаоллари, посбонлар билан мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Мисол учун, Тошкент вилояти Янгийўл тумани «Эски Қовунчи» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Қирсадоқ» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 299-сонли милиция таянч пункти профилактика инспектори, капитан Раҳимали Курумбаев ҳудудда аҳоли осойишталигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида намунали фаолият кўрсатаётган тизим фидойиларидан. Айниқса, 3800 дан ошиқ фуқаро истиқомат қилувчи 577 та хонадонда тотувлик ва соғлом муҳитни шакллантириш борасида МФЙ фаоллари, профилактика инспекторлари ва Яраштириш комиссияларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этди. Бунда, албатта, комиссиянинг ҳамда маҳаллалардаги кўпни кўрган отахону онахонлар, кексалар маслаҳатлари қўл келмоқда.

Маҳалла инспектори ёнғин хавфсизлиги ходимлари билан ҳудуддаги давлат иншоотлари, савдо, маиший шохобчалар ҳамда фуқаролар хонадонларининг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши юзасидан мунтазам равишда текширувлар ўтказади. Шунингдек, ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик борасида учрашувлар ташкил этилади.

Ёшларни турли ёт ғоялар ва оқимлардан сақлаб қолиш йўлида ҳам тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Ўқувчи», «Давомат» ва «Ўсмир» каби тадбирлар мунтазам ўтказилаётир. Бундан ташқари, йил давомида «Ёшлар гиёҳвандликка қарши», «Келажагимиз ёшлар қўлида» ва «Ёшларимиз турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмасин» мавзуларида турли учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида, МТПлар атрофида спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари, махсус спорт заллари ташкил этилиб, ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланишига замин яратилаётир.

Улуғбек ТУЙМАБОЕВ,
ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси матбуот котиби, подполковник

Реклама ва эълонлар

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, “Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активи қўйилади:

1. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси 92-уй манзилида жойлашган умумий майдони 603 кв.метрга тенг бўлган собиқ савдо дўкони бино-иншоотлардан иборат мулкий мажмуа.

Бошланғич нархи — 2 289 051 300 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: “Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-“А”уй. Тел:/факс: (0-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 4 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-“А”уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 18 май, 1-, 15-, 29 июн, 13-, 27 июл, 10-, 24 август, 8-, 22 сентябр, 7 октябр кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси “Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: «Ипак йўли» АИТБ Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун - паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; - аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-“А”уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жарёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

«Navoiy mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарори ҳамда “Ўзбекистон Почтаси“ АЖ Навоий филиалининг 2015 йил 10 февралдаги 20280101/136-сонли буюртманомасига асосан Навоий шаҳар Халқлар дўстлиги кўчаси 3-«А»уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. 2005 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 258 НАА бўлган ДАМАС русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 16 500 000 сўм.**

2. 2001 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 814 FAA бўлган ДАМАС русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 15 100 000 сўм.**

Савдо 2015 йил 15 апрел куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 12:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 13 апрел куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2015 йил 15 апрел куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2015 йил 15 май куни соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: Такрорий савдо учун 2015 йил 13 май куни соат 18:00 да тўхтатилади.

II.Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарори ҳамда Навоий давлат кончилик институтининг 2015 йил 26 мартдаги 1-04/286-сонли буюртманомасига асосан Навоий шаҳар Жанубий кўчаси 27-«А» уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 2001 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 151 JAA бўлган Нексия русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 21 989 000 сўм.**

2. 2003 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 778 AAA бўлган Нексия русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 23 682 000 сўм.**

Савдо 2015 йил 1 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 12:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 29 апрел куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2015 йил 1 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2015 йил 13-, 20 май куни соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: Такрорий савдо учун 2015 йил 11-,18 май куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо голиби сотувчи билан аукцион ўтказилган кундан бошлаб 20 кун ичида олди-сотди шартномасини тузиши лозим.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, “Ипотека банк” АТ Навоий филиали қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт. 20208000704943164001, МФО 00205, СТИР 302132768.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел: 0 (436) 22-4-64-31, www.rmm.uz. Гувоҳнома 1605. **Хизматлар лицензияланган.**

“KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ Тошкент Минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига, “Миллий банк” ТИФ Тошкент вилоят бўлими томонидан 2015 йил 24 мартдаги № АИ-11/1556 буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Дўстлик КФЙ «Эвалик» маҳалласи О.Шарофуддинов кўчаси 172-уйда жойлашган, умумий яшаш майдони 170,75 кв.м, ер участкасининг умумий майдони 378,040 кв.м бўлган, 4та хона, 2та айвон, 1та ошхона, 1 бостирма, 1та ҳаммом, 1та ҳожатхона, 1та темир дарвозадан иборат бино қисми қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 31 500 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2015 йил 4 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 1 май куни соат 16:00.

Юқоридаги кўчмас мулк 2015 йил 4 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 8-,15-,22 май ва 29 май кунлари соат 11:00 да ўтказилади ва аризаларни қабул қилиш савдо кунидан 1 (бир) кун олдин тўхтатилади.

Савдо голибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг “Ипак йўли банки” ОАИТБ Сағбон филиалидаги 2020 8000 4049 2060 9021, МФО 01036, СТИР 207122519 ҳ.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-“А”уй. Тел./факс: (0-371) 228 78 96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001. **Хизматлар лицензияланган.**

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят ташкилотлари бирлашган қўмитаси жамоаси Оқдарё туман ЙХПТФ корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Ғ.Муртазаевга волидаи муҳтарамаси **Омон она СОБИРОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

2015-yil 31-mart, seshanba, № 41 (3546), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Тадбир

27 март — Халқаро театр куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан уюштирилган театрлаштирилган бадиий кечага соҳа фахрийлари ва фидойилари, санъат ихлосмандлари таклиф этилди.

Ўзб сурати

ХАЛҚАРО ТЕАТР КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Тадбирда Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан 100 нафар театр фахрийсига фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

— Кўп йиллар шу саҳнада рол ижро этдим, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева. — Малика ҳам, чўри ҳам бўлдим. Театр эшигидан кираверишда ўзимнинг ҳаётимни қолдириб, театр ҳаёти билан яшадим. Бугунги тадбирда бизга кўрсатилган эътибордан бошимиз кўкка етди. Энг муҳими, саҳнада бирга ижод қилган касбдошларимиз билан кўришиш шарафига муяссар бўлдик.

Тадбирда ўтган йил октябр ойида Қозоғистон Республикасининг Оқтов шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё давлатларининг V Халқаро театр санъати фестивалида Ўзбек Миллий академик драма театри "Кўнгил" спектакли билан муносиб иштирок этгани ҳам эътироф этилди. Хусусан, "Энг яхши актёрлик дуэти" номинациясининг ғолиби, бош рол ижрочилари Муқаддас Холиқова ҳамда Фарҳод Абдуллаев тақдирланди.

Сўнг театрлаштирилган бадиий чиқишлар намойиш этилди. Байрам тадбирлари Ўзбекистон Бадиий академияси Фотосуратлар уйида таниқли театр фоторассоми Раҳмонбек Исломовнинг "Менинг театрим" фотокўргазмаси намойиши билан давом этди. Республикамизнинг барча ҳудудларидаги театрларда ижодий кечалар уюштирилиб, томошабинларга сара спектаклар намойиш этилмоқда.

Раъно МАҲКАМОВА,
"Ishonch" мухбири

Шукрона

Пойтахтнинг кўчалари обод ва кўркам бўлиш баробарида кундан-кун тирбандлик ҳам ортаётгандек. Баъзи кўчаларнинг вақтинчалик ёпиб қўйилгани, янада қулайлик яратиш мақсадида кўприклар қурилаётгани, камчиликлар бартараф этилаётгани туфайлидир. Бу ҳам бўлса фаровонлик белгиси. Тинчлик, осойишталик борки, ҳамма ўз ширин ташвиши билан эмин-эркин ғимирлайди. Ҳар куни ишга, ўқишга бехавотир бориб-келамиз.

БИР КУНИ ЙЎЛДА

Учоқ майдони каби

Шундай кунларнинг бири. Эрталабки тирбандлик. Рулни бошқараётган ҳайдовчи тоқатсизланиб сигнал чалади. "Шошилманг, ака, борамиз-да", дейман. Индамайди. Олти чизиқли марказий кўчалардан биридамиз. Меҳмонга келиб-кетган хорижлик танишимнинг "Кўчаларингиз учоқ қўнадиган майдонга ўхшаркан", дея ҳайратлангани эсимга тушди. Дарҳақиқат, унинг юртида бўлганимда марказий кўчалари нари борса уч чизиқли, бунинг устига тоғли ҳудуд бўлгани учун қарама-қарши тарафдан келаётган машина кўринавермас, хавфли бурилишқайрилишлар бор эди. Сайёҳлик автобуси шундай жойларда тирбандликка сабаб бўлиб, тўхтаб қолар, ажойиб шаҳарнинг тор кўчалари мезбонларни бироз хижил қиларди. Ўшанда дўстимга "Тошкентга борсанг, сени ҳам сайр қилдираман. Бизнинг кўчаларни бир кўриб келасан", дедим. У эса "Кўчаларинг кенгдиру, мана бундай замонавий автобуслар йўқ бўлса керак", деди. Нега бундай деяётганини суриштирсам, бир неча йил олдин отаси юртимизда бўлган экан. Отаси гапириб берган таассуротлар асосида у ҳам Ўзбекистон ҳақида мужмал тасаввурга эгалиги маълум бўлди. Шунда мен тамадди чоғи ноёб егулик сифатида тортиқ қилинган, сунъий етиштирилган қовунни кўрсатиб: "Бошқа гапларни қўятурайлик, шу қовуннинг асл таъмини тотиб кўриш учун ҳам, албатта, бизнинг юртга боришинг керак экан", дедим. У келгач, ишни замонавий автобусларнинг икки қаватлисида сайр қилишдан бошладик. Миллий таомлар, қовун-тарвузлару, сархил мевалар таъмидан тили ёрилди. Табиий маҳсулот сунъий пишганига қараганда арзонлигини аҳлига сиғдиролмади. Ўзбекона лутф ва меҳмоннавозлик, тўйлардаги удум ва анъаналарни кўриб, моҳиятини билгач, хотира дафтари ёза бошлади. Тезюрар поездда икки соат тик туриб далалару қишлоқларимизни томоша қилди. Хуллас, у кўчаларимиз самолёт қўнадиган майдон каби, миллатимиз бағри эса бундан-да кенг эканини, бу юртга яна албатта келишини таъкидлаб кетди, ўшанда.

Нигоҳ

Светафорга етиб келганимизда қизил чироқ ёнди. Ҳайдовчи хўрсинди. Ўтиб кетмоқчи бўлди. "Тўхтанг", деб юбордим беихтиёр. Чунки пиёдалар ўтиш жойида етти-саккиз ёшлардаги болакай светафорга термулиб турар, рўпарасидаги пиёдалар чироғи ёнгач, ҳаракатга тушганди. Унинг тоза ва гард қўнмаган нигоҳида кўп нарсалар мужассам эди. У қоидаларга тўла амал қилар, мактабда ёки унгача йўл ҳаракати қандай ўргатилган бўлса, шунга ишонар, шунинг учун машиналарга қарамаётганди ҳам. Борди-ю, унга яқин бориб, кескин тўхталса, қаттиқ қўрқиб кетар ва ўзига бўлган ишончи йўқолиши, ҳеч бўлмаганда мактабга ёдлаб келаётган шеърини эсдан чиқариб қўйиши мумкин эди. Боланинг беғубор нигоҳи кўздан пана бўлгач, ҳайдовчига юзландим. Унинг нигоҳида норозилик акс этар, "менга ўргатма", дегандай олақараш қилиб қўярди.

— Менга бундай қараманг, — дедим сабрим чидамай. — Ахир унинг ўрнида сизнинг болангиз бўлиши ҳам мумкин эди-ку. Тўғри, уни кимдир йўлдан ўтказиб қўйиши керак. Аммо вазият бошқачадир ё мустақил бўлишга ўргатишаётгандир. Бир балога дучор бўлиш ёки қоидани бузиб жаримага тортилиш шошилишингизга арзийдими?!

Ҳартугул, ҳайдовчининг пешонасидаги ажинлар ёзилди. Ўйланиброқ газни босди.

— Ишга кечикаётгандим, — деди тўсатдан. — Тўғри айтдингиз, баъзан шундай гаплардан эшитиб туриш керак-да, одам...

Ҳайдовчи билан бугуннинг қадри, турмуш фаровонлиги, юрт тинчлиги бебаҳо бойлик экани, бошда бошпанамиз, уй-жойимиз борлиги, дастурхонда нонимиз бутлиги, тўкин-сочинликда яшаётганимиз хусусида гаплашиб кетдик. Бундан иккимиз ҳам енгил тортиб, хайрлашаётганда бирбиримизга қараб жилмайиб қўйдик.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ

Ўқинг, қизиқ!

Дунёдаги энг йирик дарахтлар 1839 йил И.Бухголц томонидан алоҳида туркум сифатида таърифланди ва у «гигант секвойядендрон, мамонт» деб номланди. Европаликлар секвойядендронни илк бор 1769 йил Калифорния тизмаларининг Тинч океани қирғоқларида учратиб тонг қотишган ва уни осмоннинг устуни деб аташган. Ушбу дарахт танасининг диаметри 12-16 м. гача, бўйи 144 (баъзи манбаларда эса 135) метргача бўлиб, улар 4000 йилгача яшаши аниқланган.

ОСМОННИНГ УСТУНИ

Инсон бу дарахтларни ўзи кашф этгани ҳолда, афсуски, очкўзлиги туфайли ёғочидан фойдаланиш ҳаракатига тушди. Жумладан, секвойядендрон танасидан бўйи 8,7 метр, эни 2,5 метр, баландлиги 3 метрли туннел ўтказилди. Буни қарангки, 1900 йил ўтказилган халқаро кўргазма учун дунёдаги энг узун, бўйи 100 метрли тахта тайёрланган, аммо юкни бирор кема Парижга элта олмаган. Секвойядендрон кавагида 50 киши сиғадиган ресторан ҳам очилган.

Хайриятки, бу ҳолдан ташвишланган теран фикрли, қалби уйғоқ кишилар ҳам йўқ эмас эди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари ўлароқ 1956 йилда "Катта канъон" қўриқхонаси ташкил этилган ва у секвойядендрон ва мамонт туркумли дарахтлардан иборат бўлган. Масалан, "Асосчи", "Ўрмон отаси", "Қария", "Линколн", "Генерал Шерман" ва бошқалар. Уларнинг айримлари табиий офатлар таъсирида қулаган, бироқ ўлчамлари ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолган. Жумладан, "Асосчи" 112 метр, "Ўрмон отаси" 120 метр баландликка ва 12 метр диаметрга эга бўлган. 1953 йилда қулаган дарахтнинг тўнкаси кўндалангига кесилган ва йиллик ҳалқалари кўринарли кўргазма шаклига келтирилган. Ҳалқаларнинг энг қадимийларидан бири Александр Македонский қазо қилган сана — эрамиздан аввалги 323 йилга тўғри келади. Нью-Йоркдаги "Табиат тарихи" музейида сақланаётган шундай тўнкада 1342 та ҳалқа бор.

Секвойядендронлар баландлиги жиҳатидан фақат Австралия эвкалипти (бўйи 155 метр) дан кейинги ўринда туради. Лекин тана диаметри йўғонлиги бу дарахтларнинг ҳақиқатдан ҳам энг улканлигини тасдиқлайди. Бўйи 90 метр, диаметри 9 метрли секвойядендрон 2000 тоннани ташкил этади. Уларнинг пўстлоғи ҳам ўта қалин — 30-60 см. Уруғи жуда майда бўлиб, 196000 донаси 1 кг. келади. Улар ерга тушгач, кўкариб кета олмайди. Чунки уруғ таркибида озиқ модда етарли эмас. Енгинлар кекса секвойядендронларга таъсир қилмайди, уларни дарахт пўстлоғи нафақат ёнғин, совуқдан, балки паразитлардан ҳам асрайди.

Айни пайтда секвойядендронлар жуда кўплаб мамлакатларда манзарали дарахт сифатида иклимлаштирилмоқда. Самарқанд Давлат университетининг биология факултети ҳовлисида бир туп, Беруний номидаги кўчада бир неча туп 30-35 ёшли ниҳоллари барқ уриб ўсмоқда.

Саид ХЎЖАЕВ,
Самарқанд Давлат Чет тиллар институти қошидаги 2-академик лицей биология фани ўқитувчиси

Эътироф

40 йилдан зиёд вақт мобайнида таълим тизимида ишлаб келаяпман. Шундан 35 йил мактаб директори лавозимида меҳнат қилдим. Фаолиятим давомида бир қатор ютуқларга эришдим. Булар бевосита жамоамизнинг ютуғи деб ҳисоблайман. Камтарона хизматларим ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди.

АРДОҚНИ ҲИС ЭТИБ...

Шу йилнинг март ойи бошида Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан менга 2015 йил "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури асосида "Умид гулшани" санаторийсига имтиёзли йўлланма ажратиб берилди. Сиҳатгоҳ ходимлари мени очиқ чеҳра билан қарши олишди. Санаторийда дам олувчилар учун барча қулайлик яратилган. Барча талабларга жавоб берадиган замонавий тиббий асбоб-анжомлар ёрдамида ташхис қўйилди ва даволандим. Бу ерда тренажёр зали, кутубхона, спорт майдончаси, ошхона, фитобар, маиший хизмат кўрсатиш маскани ихтиёримизда бўлди. Бир сўз билан айтганда, дам олиш масканидаги шароитлардан бошим кўкка етди.

Г.МАДРАҲИМОВА,
Жалақудуқ туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактаби директори

Наврўз таровати

Самарқанд шаҳридаги "Саховат" уйида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан "Наврўз — қадр-қиммат, меҳр-мурувват ва анъаналар тимсоли" номли маданий тадбир ташкил этилди.

Айни чоғда "Саховат" уйида 138 нафар киши давлатимиз томонидан яратилган қулай шароитларда, қоларверса, кўплаб ташкилотларнинг ҳомийлик мададини ҳис қилган ҳолда умргузаронлик қилмоқда.

— Ҳозирда тўқсон икки ёшни қаршилаяпман, — дейди Ходи бобо Азизов. — Бу ерда қавм-қариндошлар даврасида яшаётгандекмиз. Саломатлигимиз доимо шифокорлар назоратида, мазмунли дам олишимиз, маданий ҳордиқ чиқаришимиз учун барча имкониятлар бор.

— Кексайганингда кўнглинг боланикидек нозиклашиб қоларкан. Бизнинг ҳамма инжиқликларимизни кўтариб, яқинларидек ардоқлаётган "Саховат" уйи хизматчиларидан бир умр миннатдормиз, — суҳбатга қўшилади Амин Мирзаев.

Шу куни "Саховат" уйига касаба уюшмалари томонидан совға топширилиб, концерт дастури намойиш этилди.

Низом АБДУВОҲИДОВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши матбуот котиби

***

Тошкент шаҳар Олмазор туманида жойлашган Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган маданий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

— Кексаларни эъзозлаш йилида бир қанча эзгу ишларни амалга оширишни белгилаб олганмиз, — деди Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси С.Аҳмедов. — Бундай тадбирлар йил давомида ўтказилиб борилади. Қолаверса, тадбирлар доирасида икки авлод учрашувлари ҳам ташкил этилади.

Кечада Олмазор тумани маданият ва спорт ишлари бўлимида хизмат қилаётган маданият ходимлари ҳамда Республика эстрада ва цирк коллежи хонандалари, цирк усталари томонидан тайёрланган чиқишлар нуронийларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, таниқли хонандаларнинг Ватан, баҳор ва кексаларга бағишланган қўшиқлари тадбирга янада кўтаринки руҳ бағишлади.

БАЙРАМ ШУКУҲИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Байрам сўнгида муассасага Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан 3 млн. сўмлик байрам совғалари топширилди.

Ўроқ БЎРИЕВ

***

"Муборакнефтгаз" унитар шўъба корхонасида ташкил этилган Наврўз тантаналарига ушбу масканда кўп йиллар ишлаб, пенсияга чиққан фахрийлар, соҳада самарали меҳнат қилган фидойилар таклиф этилди.

Уларга тўн ёпиб, эҳтиром кўрсатилди. Бундан ташқари, эҳтиёжманд оила фарзандларидан 50 нафарининг суннат тўйи ҳамда корхона ходими Олмос Далиевнинг никоҳ тўйи байрам шодиёналарига уйғунлашиб кетди.

— 30 йилдан зиёд умрим шу корхонада ўтди, — дейди Исмат Нуриддинов. — Бу йил пенсияга чиқяпман. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси меҳнатларимни эътироф этди, миннатдорман.

— Автотранспорт цехида кузатувчи бўлиб ишлайман, — дейди Шаҳноза Бекова. — Бизда ходимлар манфаатини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилган. Бу йилги Наврўз оиламиз учун унутилмас тарзда ўтди, ўғлим Далилнинг суннат тўйини нишонладик. Шундай жамоада ишлаётганимдан фахрланаман.

Шунингдек, байрам муносабати билан 800 нафардан зиёд кекса ходимга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Шодиёналар кон ва мажмуаларда ҳам давом этиб, миллий спорт турлари бўйича мусобақаларга уланиб кетди.

***

Китоб туманидаги «Меҳрибонлик» уйида Наврўзи олам тантаналари бўлиб ўтди. Кўклам таровати барчанинг кайфиятига кўчган. Тарбияланувчилар томонидан тайёрланган мусиқий кўнгилочар дастурлар барчага хушнудлик улашди.

«Меҳрибонлик» уйининг бош ҳомийси — "Муборакнефтгаз" унитар шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Шароф Раҳматов болажонларнинг омонат дафтарчаларига пул маблағи қўйилганлигини эълон қилиб, байрам совғаларини тарқатди.

— Байрамда барчамиз яйрадик, — деди тарбияланувчи Бахтиёр Шералиев. — Давлатимизга, ҳомийларга катта раҳмат. Ҳар йили ёзда "Ёш алангачи" оромгоҳида дам оламиз. Бу ерда ҳам бўш вақтнинг ўзи йўқ. Ҳар хил касб-ҳунарга йўналтирилган тўгараклар, фан ва спорт машғулотларида билим ва кўникмаларимизни ошириб боряпмиз.

Корхона касаба уюшма қўмитаси фаоллари, шунингдек, Китобдаги "Гўдаклар уйи"да бўлиб, ташкилотга сут маҳсулотлари ва кир ювиш воситалари совға қилишди.

Акмал АБДИЕВ,
"Ishonch" мухбири

ДУНЁ ВА ОДАМ

Жорж Мейсон номидаги университет (АҚШ)нинг икки талабаси овоз ёрдамида олов ўчирадиган қурилма ясади, дея, хабар бермоқда The Washington Post нашри.

ОВОЗ БИЛАН ОЛОВ ЎЧИРИШ

Қурилма икки қисмдан иборат бўлиб, овоз йўналтирувчи ускуна ва уни электр билан таъминлайдиган рюкзакдан иборат. Ихтирочилар дастлаб, юқори овоз частоталаридан фойдаланишган. Бироқ, бундай ёндашиш наф бермагач, частотани 306-герцга туширишган. Натижа эса чаккимас. Овоз оловнинг ёнишига кўмаклашувчи кислородни олов «ҳудуд»идан «ҳайдаб» чиқаради.

Сет Робертсон ва Виет Тран томонидан ўтказилган кўргазмали чиқишда, ускунанинг қандай қилиб ишлаши намойиш этилди. Оддий ўт ўчиргичлардан фарқли ўлароқ, мазкур ускуна хавфли кимёвий моддаларсиз бемалол ишлайди.

Ҳозирча қурилма фақат кичик ёнғинларни ўчиришга ёрдам бермоқда. Ихтирочилар уни мукаммаллаштириш устида иш олиб боришмоқда.

ЭБОЛАГА ҚАРШИ ДОРИ ТОПИЛДИ(МИ?)

МИЛ 77 тажриба препарати 25 ёшли британиялик ҳарбий ҳамширани дунёда илк марта эбола безгагидан тўлиқ даволаш имконини берди, деб хабар қилмоқда «РБК».

Қайд этилишича, Анна Кросс феврал ойида Ғарбий Африкада эболадан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш чоғида касалликни юқтириб олган. У Буюк Британияга қайтарилиб, Лондондаги Қироллик шифохонасида муваффақиятли даволанган.

Ҳамшира тажриба препаратини синаб кўришни ўзи истаган. У МИЛ 77 қўлланган дунёдаги илк инсон бўлди. Ушбу дори Хитойда ишлаб чиқарилади.

ТЎХТАГАН ЮРАК КЎЧИРИБ ЎТКАЗИЛДИ

Британиялик жарроҳлар Европада илк маротаба уришдан тўхтаган юракни кўчириб ўтказиш бўйича операцияни амалга оширди, деб хабар бермоқда «Корреспондент.net».

Одатда юрак кўчириш учун донор бош мия фаолияти тўхтаган, бироқ юраги уриб турган одам бўлади. Бу сафар эса юраги тўхтаб қолган одам донор бўлган. Қайд этилишича, бундай донорларни топиш осонроқ.

Операция Кембрижшир графлигида жойлашган Папворт шифохонасида амалга оширилган.

Интернет материаллари асосида А.АРСЛОНОВ тайёрлади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev (mas'ul kotib v.b.)

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 22:10
Topshirildi — 23:10

E-mail:xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 315 20844 nusxada bosildi 12 456